

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 681.14:371.3:372

БЕГМАТОВА Нодира Хакимовна

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02 – Аниқ фанларни ўқитиш методикаси (информатика)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

Иш Қарши давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар педагогика фанлари доктори, профессор
Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувакильевич

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори
Закирова Феруза Махмудовна

педагогика фанлари номзоди
Джанпеисова Гаухар Эркиновна

Етакчи ташкилот Самарқанд давлат университети

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
хузуридаги К.067.18.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил
«_____» _____соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел.: (+99871) 254-92-02, факс: (+99871) 215-54-18, e-mail: tgpu_info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «_____» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, педагогика
фанлари номзоди, доцент

Р.Г.Муллахметов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама ривожланган шахс этиб вояга етказиш Республика Президенти Ислом Каримовнинг диққат марказида турибди. 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани ҳам бунинг далилидир.

Баркамол авлодни шакллантириш дастлаб оилада, сўнгра мактабгача таълим муассасасида амалга оширилади. Бу борада Президент И.Каримовнинг “Юсак маънавият – енгилмас куч” асарида “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”¹, - деб таъкидланади. Ушбу фикрлар мактабгача таълим муассаса (МТМ)ларига ҳам тааллуқлидир. Чунки МТМларнинг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида 5-7 ёшли болалар тарбияланади. Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришнинг бошланғич даври ҳам худди ана шу ёшдан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида: “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади”², - дейилган.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури эканлиги ва “...мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш” зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, 4.9-моддасида “Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади”³, - деб айтилган.

И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юр்தларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим”,⁴ - дея таъкидлаган.

Шунингдек, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида “Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юр்தларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш” ва “...ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедиа дастури билан таъминлаш” кўзда тутилган⁵.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 53.

² Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 23.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1998. – Б. 57.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқоролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2009 йил, 6 декабрь.

⁵ “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 32.

Ўзбекистон Республикасининг “Мақтабгача таълим концепцияси”да ҳам мақтабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш зарурлиги кўзда тутилган.

Юқорида баён қилинган далиллар МТМ болаларида бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш, уларни компьютер билан элементар тарзда фойдаланишга ўргатиш ва мақтаб таълимига тайёрлаш долзарб масалаларидан бири эканлигини кўрсатади.

МТМларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишдаги муаммолардан яна бири илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиш, унга мос ишланмалар яратиш ҳамда амалиётга жорий қилиш зарурлигидир. Шунинг учун, МТМларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, технологияларни жорий этиш жараёнида болалар ёшини ҳисобга олиш ва мос ҳолда дидактик материалларни танлаш, таълим жараёнида болаларга педагогик ва психологик таъсир этиш усуллариини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. МТМларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг туб мазмуни – мультимедиага асосланган компьютерли таълим бўлгани учун, биринчи навбатда таҳлилни компьютернинг таълим жараёнига кириб келишидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

МТМларининг таълим-тарбия жараёнида компьютердан фойдаланиш ғояси ва дастлабки назарий асослари илк бор 1964 йилда Сеймур Пейперт томонидан берилган. Аммо компьютер кўп мамлакатларда таълим тизимига восита сифатида 1970 йилдан кириб кела бошлади, компьютернинг оммавий равишда татбиқ этилиши Англия ва Америкада 1981 йил, Францияда 1982 йил, Россияда 1983-1984 йиллардан бошланган.

Мультимедиа технологияси ва компьютерли таълимдан фойдаланиш бўйича хорижий давлатларнинг олимларидан Н.М.Климешова, Н.Н.Оголцова, С.Л.Новоселова, Н.Ф.Талызина, Д.Жонассен, Р.Грабиндгер, С.Карвер, Д.Давидсон, А.Муллан, мақтабгача таълим бўйича С.В.Гурьев, Л.А.Савина, Н.З.Флорова, М.В.Осмакова, О.Г.Смолянинова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Масалан, А.Муллан ишларида таълим тизимида компьютер ўқитишнинг ривожлантирувчи воситаси эканлиги таъкидланади.

Таълим соҳасининг турли босқичларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш бўйича Е.Е.Воронова, В.П.Кустова, Н.С.Анисомова, М.Рябцев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Шунингдек, республикаимизнинг А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, Т.Р.Азларов, А.И.Аширова, У.Ш.Бегимқулов, Т.Ф.Бекмуратов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, Ҳ.З.Икромов, М.Э.Мамаражабов, Б.Б.Мўминов, Х.А.Тўрақулов, Н.И.Тайлақов, У.Ю.Юлдашев, А.Ғ.Ҳайитов, С.С.Ғуломов каби олимлари таълимда компьютерлардан фойдаланишнинг турли муаммоларини ўрганганлар. Г.Э.Джанпеисова турли технологиялардан фойдаланиб, МТМ болаларида математик билимларни шакллантиришнинг оптимал методикасини берган.

МТМларининг мақтабга тайёрлов гуруҳларида анъанавий методика асосида саводга тайёрлаш, элементар математик билим бериш, экологик таълим бўйича О.Болтабоева, Н.Алимов, Н.Бикбаева, Н.Умарова, М.Халилова ва бошқа педагог-олимларнинг услубий ишларида эътибор қаратилган.

Мультимедиа воситаларини яратиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, уларнинг ичида мақтабгача таълим муассасаларига йўналтирилганлари етарлича эмас.

Юқорида баён қилинган ҳолатлар диссертация мавзусини “Мақтабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари” деб танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Мақтабгача таълим концепцияси”ни амалга ошириш юзасидан Қарши давлат университети “Амалий математика ва информатика” кафедрасининг узлуксиз таълим тизимига татбиқ этишга мўлжалланган “Янги педагогик ва ахборот технологиялари”ни тадқиқ этиш истиқбол режаси асосида бажарилди.

Тадқиқот мақсади: мақтабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асосларини яратиш, уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этган ҳолда самарали машғулотлар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- мақтабгача таълим муассасаларида мультимедиа ва ахборот технологиясидан фойдаланишга оид педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш;
- мақтабга тайёрлов гуруҳлари учун мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик таъминоти (машғулот шакллари, мазмуни, методикаси, мультимедиа воситалари, релаксация вақти ва баҳолаш мезони)ни яратиш;
- психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мультимедиа ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш;
- мақтабгача таълим муассасаларининг мақтабга тайёрлов гуруҳлари машғулотларида фойдаланишга мўлжалланган таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларнинг компьютер дастурлари ва улардан машғулотларда фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;
- мақтабгача таълим муассасаларида мультимедиа ва ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича машғулот ишланмаларини ўз ичига олган ўқув-услубий қўлланма яратиш;
- ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш.

Тадқиқот объекти: мақтабгача таълим муассасаларининг мақтабга тайёрлов гуруҳларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиб таълим-тарбияни амалга ошириш жараёни.

Тадқиқот предмети: мақтабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланган ҳолда болаларга таълим-тарбия бериш, уларда бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш мазмуни, восита ва методлари.

Тадқиқот методлари: таҳлил, диалог, аналогия, педагогик кузатиш, педагогик эксперимент, тест синовлари, умумлаштириш, математик статистика, анкета, савол-жавоб.

Тадқиқотнинг илмий фарази: мақтабгача таълим муассасаларида машғулотлар самарадорлиги ошади, агар:

- таълим-тарбия жараёнида мультимедиага асосланган компьютерли таълимни амалга оширишнинг методик асослари ишлаб чиқилса;
- мультимедиа таълим воситалари ишлаб чиқилса ва улардан машғул-лотларда дидактик воситалар сифатида фойдаланилса;
- тарбияланувчиларнинг компьютер саводхонлиги шакллантирилса;
- мультимедиага асосланган компьютерли таълим методикаси ишлаб чиқилиб, мақтабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилса.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- мактабга тайёрлов гуруҳлари машғулотларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик таъминоти;
- мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларининг компьютер саводхонлигини шакллантириш методикаси;
- мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари машғулотлари жараёнида таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларнинг компьютер дастурлари ва улардан фойдаланиш методикаси;
- мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа ва ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича машғулот ишланмаларини ўз ичига олган ўқув-услубий қўлланма;
- мактабгача таълим муассасаларининг машғулотлар жараёнига мўлжалланган мультимедиа воситалари.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг педагогик ва психологик жиҳатлари асослаб берилди;
2. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик таъминоти яратилди;
3. Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларнинг компьютер дастурлари яратилди. Тарбияланувчиларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди;
4. Мактабгача таълим муассасаларининг машғулотларида фойдаланиш учун 20 дан ортиқ мультимедиа воситаси яратилди;
5. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа ва ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича машғулот ишланмаларини ўз ичига олган “Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услуги” номи ўқув-услубий қўлланма яратилди ва амалиётда жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

- мультимедиа технологиясидан мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг илмий асосланишида;
- мультимедиа технологиясидан таълимда фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатларини тадқиқ этишда;
- мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилганлигида;
- мактабгача таълим муассасаларида компьютерли таълимий ўйинлардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилганлигида;
- мактабгача таълим муассасаларида мультимедиадан фойдаланиш шароитида тарбияланувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонини ишлаб чиқишда;
- мультимедиа компьютерли таълимда вақт тежаш ҳисобига анъанавий услуга нисбатан кўпроқ материал ўргатилиши ва мазмунининг чуқурлаштирилишида;
- мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқиши ва тарбиячилар учун методик тавсиялар берилишида;
- тўрт йўналиш бўйича (саводга тайёрлаш, илк математик тасаввурларни шакллантириш, экологик таълим ҳамда компьютерли таълим-тарбия ўйинлари) машғулот ўтказиш методикаси ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилганлиги билан аниқланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишга доир тадқиқотга тегишли услубий тавсиялар, ўқув-услубий қўлланма ва мультимедиа воситалари Қашқадарё вилояти Қарши Давлат 2-сон ИМУМИ, 6, 17-сонли, “Юлдузча” МТМларида, Китоб туманидан 1-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 11-сонли боғча-мактабларида, Тошкент шаҳри Учтепа

туман 186-сонли мактабгача таълим муассасасида, Самарқанд шаҳридаги
боғча-мактабнинг машғулотлар жараёнида фойдаланилмоқда.

1-сонли

Ишнинг синондан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни Қарши давлат университети “Ижтимоий-педагогика, психология ва мактабгача таълим” кафедраси йиғилишида (2008), “Амалий математика ва информатика” кафедраси йиғилишида (2010-2011), Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ қошидаги Олий педагогика институти “Табиий-илмий ва аниқ фанлар бўйича малака ошириш ва касбий қайта тайёрлаш педагогикаси” кафедраси йиғилишида (2011), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарида (2012), Халқаро, Республика ва ОТМ миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида (Бухоро-2009, Тошкент-2009, Гулистон-2009, Қарши 1992-2010, Туркестан-Москва-Новокузнецк- Ташкент-2010, Самарқанд-2011, Бухоро-2012) маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари 30 та илмий-методик ишларида, жумладан, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 2 та услубий қўлланма, 1 та Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси, 13 та илмий-методик журналларда эълон қилинган мақола, 13 та мақола ва тезислар халқаро ва республика илмий-амалий анжуман материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, методлари, тадқиқотнинг методологик асоси, илмий фарази, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот ишининг синондан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги баён қилинган.

Ишнинг биринчи боби **“Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган. Илмий-тадқиқотнинг мақсадларидан бири – мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш, компьютер ҳақида илк элементар тушунчалар, тасаввурлар бериш муаммолари ва методикасига қаратилган. Мавзу мультимедиа технологияси билан боғлиқ бўлгани сабабли мультимедиа атамаси, тушунчаси, таърифи ва мазмуни, мультимедиа технологиясининг шаклланиши аналогия методидан фойдаланиб асослаб берилди. Шунингдек, матн, аудио, видео, анимация самараси, компакт дисклар, жумладан, CD-ROM ва бошқа ташкил этувчиларнинг ривожланиши натижасида тўлақонли мультимедиа технологияси яратилиши баён этилган.

Интернет МТМ тарбиячи ва тарбияланувчилари учун салмоқли таълим манбаи бўлиб, унда машғулот ўтказиш учун янги материаллар, тақдимотлар ва слайдлардан фойдаланиш, мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнига оид телеанжуманларда иштирок этиш, болалар эса турли кўринишдаги мусобақаларда қатнашиши ва ўзаро мулоқотда бўлишининг кенг имкониятлари мавжуд.


Масофали таълим материаллари мактабгача таълим муассасаларида компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларни ўтказишда, экологияга оид айрим тасвирий ашёлар билан таништиришда, тарбиячи ва мудираларнинг малакаларини оширишда қўл келади.

Мультимедиа технологиясининг бир нечта таърифлари мавжуд. Жумладан, мультимедиа технологияси – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) самаралари асосида ўқув материалларини тарбияланувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган кўринишидаги технологиясидир.

Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида қўллашга мўлжалланган мультимедиа технологиясининг анъанавий технологиялардан фарқи аниқланди ва унга технологик ёндашув кўриб чиқилди. Мультимедиа технологиясида МТМ тарбияланувчисининг ўрганиладиган материални ўзлаштиришини қулайлаштириш ва осонлаштириш мақсадида, материал бир-бири билан боғлиқ қисмларга ажратилади, сўнгра, таълимдан мўлжалланган натижа олиш учун амаллар кетма-кет бажарилиши ва лойиҳалаштирилган ишлар поёнига етказилиши кўзда тутилади. Энг муҳими, ушбу технологияда ўрганиладиган материал мультимедиа асосида тақдим этилади.

Бола миёсига бундай “мультимедиа хужум” натижасида тарбияланувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўтарилиб, машғулот самарадорлиги ошади.

Тадқиқот мобайнида мультимедиа технологиясидан МТМлари таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Мультимедиа технологиясидан МТМлари таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш схемаси

Диссертацияда мультимедиа технологиясининг педагогик-психологик жиҳатлари, таъйинлари ва ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Мактабгача тарбия педагогикасининг илмий-назарий асослари бўйича Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ал-Хоразмий, Я.А.Коменский, Л.С.Выготский, А.П.Усова, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Л.Ф.Обухова, П.Ю.Осупова, Ф.Р.Қодирова, М.Жумаев ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Педагогик нуктаи назаридан, мультимедиа технологиясининг МТМлари таълим-тарбия жараёнига татбиқи – уларга компьютер асосида янгича технологик ёндашув ҳисобланади. Педагогик жиҳатларига эса, тарбияланувчиларнинг монитор экранига қараб ва унда кўрсатиладиган материаллардан фойдаланиб билим олиш, болаларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш, баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш, таълим самарадорлигини ошириш, компьютернинг “таълим манбаи” бўлиши ва ҳоказолар киради.

Психологик жиҳатлари шундан иборатки, мультимедиа технологиясидан фойдаланилганда бола миясининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди ва объект образи бир вақтда идрок қилинади. Натижада ўзлаштиришнинг юқори даражада бўлиши кафолатланади. Бундан ташқари, болаларнинг хотираси ривожланади, диққати барқарорлашади, таълим материалига қизиқишлари ортади.

Асосий тамойили, кафолатланган якуний натижа олиш, таълимнинг махсулдорлиги, тўғри ва тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланишидан иборат. Бундан ташқари, дастурлаштириш, илмийлик, мослик, жадаллик, кўргазмалилик, тизимлилик, фаоллик тамойиллари ҳам мавжуд.

Мультимедиа технологиясининг ўзига хос хусусиятлари тарбияланувчиларнинг фаоллигини оширишда, ўрганиладиган таълим материаллари ҳажмини кўпайтиришда, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалашда, натижани кафолатлашда, таълим шаклини қулайлаштиришда, шунингдек, таълим мазмунида, тузилишида, методларида ва шаклларида намоён бўлади.

Диссертациянинг ушбу бобида мультимедиага асосланган компьютерли таълим жараёнига тегишли машғулотнинг тузилмавий схемаси, машғулот жараёнининг кетма-кетлиги (алгоритми) ва унинг символик формуласи $MM=(T_p, TM, MMT, T_b, T_c, R)$ кўринишида берилган. Бунда, ММ-машғулот модели, T_p -тарбиячи, TM -таълим материали, MMT -мультимедианинг ташкил этувчилари, T_b -тарбияланувчи, T_c -тест саволлари, R -мазкур ўзгарувчиларнинг ўзаро оптимал боғланиш муносабатини ифода этувчи ўзгарувчи.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик асослари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда МТМларида машғулот шакллари, мазмуни, таълим методлари, методикаси ва тарбияланувчиларнинг билимини баҳолаш мезони баён этилган.

Таъкидлаш керакки, МТМлар мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга қаратилган мультимедиа технологиясининг машғулот шакли, мазмуни, машғулот ўтказиш методикаси ва тарбияланувчиларнинг билимини баҳолаш мезони тўла ишлаб чиқилмаган. Қуйида шу йўналишда олиб борилган изланиш натижалари баён этилади.

Машғулот шакли. МТМларининг мактабга тайёрлов гуруҳларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг асосий ва етакчи шакли машғулотдир. Машғулотлар Давлат талаблари асосида белгиланган дастурлар, йўналишлар, тақсимланган соатлар ва шулар асосида тарбиячи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган режалари асосида олиб борилади.

Машғулотлар янги материални ўргатишга (ёки мустаҳкамлашга) қаратилган, текширувчи-синовчи, мажмуавий “саёҳат” ёки “экскурсия” ва компьютерли ўйин шаклларида бўлинади.

Тажриба-синов ишлари натижалари янги билим берувчи машғулотларнинг ҳар бири 15 дақиқали 2 босқичда ўтиши, компьютерда мустақил ишлаганда эса, бир марталик машғулот давомийлиги 15 дақиқа қилиб олиниши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Машғулот мазмуни. Мультимедиа технологиясидан фойдаланиб ўтказиладиган машғулотлар компьютер технологиясига асосланади. Шунинг учун, мультимедиа технологиясига асосланган машғулотларни компьютер машғулоти деб ҳам аташ мумкин.

Таълим методлари. Компьютерли таълимда ҳам педагогиканинг намоиши этиш ва амалий усулларида фойдаланган ҳолда, МТМ болаларига янги материалларни ўргатиш жараёнида бевосита диалог методидан фойдаланилади.

Янги материални ўргатишга қаратилган компьютер иштирокидаги бевосита диалог методи махсус дастурлар асосида тайёрланиб, компьютер хотирасига киритилган материаллар ва дидактик воситалар орқали амалга оширилган машғулотларга татбиқ этилади.

Янги билим беришда бевосита диалог методидан фойдаланишни мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг ёшлари, уларнинг фикрлаш даражаси ва бошқа хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади. Бевосита диалог методидан фойдаланган ҳолда компьютер дидактик воситалар манбаи ролини ўйнайди.

Болалар томонидан материал мустақил ўрганилган (ёки мустақил такрорланган)да, машқлар мустақил бажарилганда, компьютер ўйинлари амалга оширилганда компьютер иштирокидаги билвосита диалог (виртуал ахборот муҳитида компьютер билан диалог) методидан фойдаланилади.

Релаксация вақтини аниқлаш. Мультимедиа компьютерли таълимни амалга ошириш жараёнида релаксация (бола компьютерда ишлагандан кейинги барча толиқишларни, жумладан, кўз толиқишини бартараф этиш) вақтини аниқлаш ва унга риоя қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Релаксация вақти болаларнинг монитор экранидаги материалларга қараш давомийлигига боғлиқдир.

Релаксация вақти:

- 1) Монитор экранига узлукли (дискрет равишда вақти-вақти билан) қараганда;
- 2) 15 дақиқа давомида узлуксиз қараганда фарқланади.

Машғулот ўтказишда бевосита диалог методидан фойдаланиш биринчи ҳолга тўғри келади, яъни бу методда бола монитор экранига узлукли қарайди.

15 дақиқали узлукли ҳолатдаги релаксация вақти сўров орқали қуйидагича аниқланди:

1. Бевосита диалог асосида ўтказилган машғулотда 15 дақиқа узлукли монитор экранига қараган ва болалар компьютердан узоқроқ (“сичқонча” ва клавиатура кабелларининг узунлиги масофасида) жойлашган ҳолда болаларнинг 95 фоизи 15-20 дақиқадан сўнг толиқишлари йўқолганини билдирдилар. Шунинг учун, ушбу тадқиқот ишида бевосита диалог методидан фойдаланилганда машғулотлар орасидаги релаксация босқичи 15-20 дақиқа қилиб олинди.

2. Болалар компьютерда 15 дақиқа давомида узлуксиз мустақил ишлаган ҳолда 6 соатдан сўнг толиқишлари йўқолганини билдирдилар. Шунинг учун, бу ҳолда релаксация вақти камида 5-6 соат бўлиши керак.

1-жадвал

Машғулот турлари бўйича релаксация вақтининг давомийлиги

№	Машғулот тури	Босқичлари (дақиқа)	Релаксация вақти	Умумий давомийлиги	Методлари
1.	Янги билим берувчи	1-б. 15 дақиқа, 2-б. 15 дақиқа	15-20 дақиқа	30 дақиқа	Бевосита диалог
2.	Экологик таълим	1-б. 15 дақиқа, 2-б. 15 дақиқа	15-20 дақиқа	30 дақиқа	Бевосита диалог
3.	Мустақил иш	1-б. 15 дақиқа	5-6 соат	-	Билвосита диалог

4.	Компьютерли ўйин	1-б. 15 дақиқа	5-6 соат	-	Билвосита диалог
5.	Тест синовини ўтказиш	1-б. 15 дақиқа	5-6 соат	-	Билвосита диалог

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг билимларини баҳолаш тамойиллари ва мезони.

Баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларида эришилган даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш жараёнидир.

Мактабгача таълим муассасалари мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг билимини аниқлаш ўқув мақсадларига асосланганлик, ҳақиқийлик, ҳаққонийлик, ишончлилиқ ва қулайлик тамойилларига асосланади.

Тарбияланувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш мезони қуйидагича: ўрганиладиган материал тури (йўналиши)га қараб 3 тадан 5 тагача турли вариантдаги дастурли ёки ролли ўйин, тақдирот, слайд, ёзув, расм, схема, машқ ва чизмалар савол тариқасида компьютер хотирасига киритилади. Тарбияланувчиларга тўғри жавобни аниқлаш топширилади ва уларнинг билим даражалари тест синови ёки компьютер хотирасига киритилган машғулот мавзусига оид амалий топшириқларни бажариш орқали аниқланади.

Агар тарбияланувчи компьютерда берилган ўрта топшириқдан барчасини тўғри бажарса, у ҳолда унга “аъло” баҳони ифодаладиган 3 балл қўйилади. Агар берилган ўрта топшириқларнинг иккитасини тўғри бажарса, у ҳолда “яхши” баҳони ифодаладиган 2 балл ва берилган ўрта топшириқдан биттасини тўғри бажарса, у ҳолда тарбияланувчига “қониқарли” баҳони ифодаладиган 1 балл қўйилади. Агар берилган топшириқларни тўғри бажара олмаса, у ҳолда тарбияланувчига балл қўйилмайди. Бундай ҳолатда тарбиячи тарбияланувчи билан қўшимча шуғулланиб, унинг билим даражасини аниқлаш учун қайта тестга қўйиши керак.

МТМларида мультимедиа технологиясини мультимедиа воситаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳозирги даврда Интернетда ва Республикамизнинг “Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази”да кўплаб мультимедиа воситалари тайёрланган.

Аммо, МТМларининг тасдиқланган тақвим режасига киритилган мавзулар бўйича мультимедиа воситалари етарли эмас. Шунинг учун, тадқиқот мобайнида айнан тақвим режадаги мавзулар бўйича мультимедиа воситалари тайёрлашга эътибор қаратилди.

Мультимедиа воситалари ролли усулда ва Power Point, Macromedia Flash дастурлари асосида тайёрланди. Шулар асосида тақвим режадаги мавзуларга тегишли 20 дан ортиқ мультимедиа воситаси тайёрланди. Шулардан бири Macromedia Flash дастури асосида тайёрланган «Шаклларни устма-уст қўйиш» ўйини намуна сифатида берилган. Болаларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш аналогия методидан фойдаланиб баён этилган.

Мактабгача таълим муассасаларида машғулот ўтказиш методикаси.

Диссертацияда мультимедиа технологиясидан фойдаланиш методикаси бўйича ўтказиладиган бешта намунавий машғулотларнинг мазмуни баён этилган.

Машғулотлар технологик харитага киритилган режа асосида олиб борилади. Харитада мақсад ва вазифалар, машғулот жараёнининг мазмуни ва уни амалга ошириш технологияси, қутиладиган натижалар, келгуси режа (таҳлил, ўзгариш) лар, уйга вазифаларнинг мазмуни ёритилади.

1. Болаларга “А” бош ҳарфини таништириш ва ўргатиш бўйича дастлабки (Ш.Раҳимий-1918, Ҳасан Али-1922) ва ҳозирги алифбо дарсликларида дидактик воситалардан фойдаланилгани қайд этилган ва мультимедиа машғулотлар ўтказиш учун ишлаб чиқилган

ролли мультимедиа воситасидан фойдаланиш таклиф этилган ва машғулоти ўтказиш методикаси баён этилган.

2. “5 сонигача қўшиш ва айириш амаллари”ни ва “Учбурчак, тўртбурчак ва квадрат шакллари”ни ўргатиш бўйича И.А.Маркушевич, С.И.Шварцбург, А.А.Столяр, М.Е.Жумаев, Н.У.Бикбаева, З.А.Раҳмонқуловларнинг ишлари мавжуд бўлиб, шу асосда мультимедиа технологиясидан фойдаланган ҳолда машғулоти ўтказишда Power Point дастури асосида тайёрланган тақдирот материалларидан фойдаланиш таклиф этилган. Машғулотларнинг ўтказиш методикаси келтирилган.

3. “МТМ болаларига экологик таълим бериш” мавзуси бўйича мультимедиа технологиясини татбиқ этишда машғулотларни ўқитиш: 1) ижобий экологик таъсирлар; 2) салбий экологик таъсирлар; 3) компьютерларнинг салбий таъсирлари йўналишлари бўйича ўтказиш тавсия этилди. Шунингдек, компьютерли экологик “саёҳат” ўтказиш методикаси ва табиатга экологик саёҳат бўйича мультимедиа воситаси тайёрлаш усули баён қилинган.

4. “МТМларида компьютерли таълимий-ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш” мавзуси бўйича бир нечта намунавий ўйинлар ўтказиш методикаси берилган ва уларнинг таълимий жиҳатларига эътибор қаратилган. Масалан, “Шаклларни устма-уст қўйиш” ўйинида: 1) еттигача санаш; 2) геометрик шакллар (квадрат ва доира) ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш; 3) рангларни фарқлаш; 4) “сичқонча”дан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш каби маълумотлар қўшимча ўрганилади. Беш хил вариантдаги ўйин довомида мавзу асосидаги маълумотлар такрорланиб, тарбияланувчиларнинг билимлари мустаҳкамланади.

Ишнинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишлари: тайёрлаш ва ўтказиш методикаси”** деб номланган бўлиб, бобда тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси, мақсади, вазифалари ва ишчи фарази баён этилган ҳамда тажрибада ўтказиладиган машғулотларнинг мавзулари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари, дастлаб ташкилий-тайёргарлик ишларини, жумладан, режа тузиш, босқичларнинг мазмуни ва тажриба объектларини аниқлаш, тажриба ўтказиш, унинг натижаларини математик-статистик таҳлил этиш тартибида амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларини ўтказиш учун 3 та минтақадан: Қашқадарё вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан жами 8 та (жумладан, Қашқадарё вилоятидан: Қарши Давлат 2-сон ИМУМИ, 6, 17-сонли, “Юлдузча” МТМлари, Китоб туманидан 1-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 11-сонли боғча-мактаб, Самарқанд шаҳридан 1-сонли боғча-мактаб, Тошкент шаҳри Учтепа тумани 186-сонли) мактабгача таълим муассасалари танланди.

Мактабгача таълим муассасасининг тарбиячи (педагог)лари билан суҳбат ўтказилди, уларга анкета ва қайдномалар тарқатилди, кўрсатмалар ва услубий тавсиялар берилди. Шунингдек, тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари тушунтирилди.

Тажриба-синов ишларининг босқичлари:

Биринчи-ташхис ва башорат қилиш босқичида (2007-2008 йй.) тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Илмий ва педагогик адабиётлар ўрганиб чиқилди. Шулар қаторида мультимедиага тегишли илмий тадқиқ қилинаётган ишлар бўйича адабиётлар ҳам ўрганилиб, таҳлил этилди, шунингдек, муаммо ва мавзунини шакллантириш, уларнинг етакчи ғояларини аниқлаш ҳамда тажриба-синов ишларининг мақсади, фарази ва вазифалари аниқланди.

Иккинчи босқич - ташкилий-тайёргарлик босқичи (2008-2009 йй.) бўлиб, тажриба-синов ишларини амалга ошириш методикаси, жумладан, самарадорлик мезони, тажриба-синов ишларини қайд этиш усуллари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга педагогик жараён мультимедиа компютер таълимига асослангани учун мультимедиа воситаларини тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилди ва дастурли ҳамда ролли усулда 20 дан ортиқ намуна тайёрланди, мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, тарбияланувчиларга билим бериш

методикаси ишлаб чиқилди. Тажриба–синов ишларининг ташкилий таъминоти – синов майдонлари ва иштирокчилари танлаб олинди ҳамда оралиқ тажриба-синов натижалари олинди.

Адабиётларни ўрганиш давом эттирилди, мактабга тайёрлов гуруҳларида машғулот ўтказиш методикаси яратилди, машғулот самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич - амалий босқич (2009-2010 йй.). Учинчи босқич давомида тажриба-синов майдонларидаги режалаштирилган МТМларида мактабга тайёрлов гуруҳлари учун танланган 5 та мавзу бўйича таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажриба-синов ишлари уюштирилди. Тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида машғулотлар тажриба ва назорат гуруҳларида параллел ўтказилди. Машғулот ўтказишда тадқиқотчининг режалари, методик тавсиялари, кўрсатмалари ва чоп этилган мақолаларидан фойдаланилди. Ушбу босқичда ўтказилган тажриба-синов ишлари мультимедиа технологиясининг татбиқ этилиши натижасидаги таълим самарадорлигининг оширилишини аниқлашга қаратилди.

Тўртинчи босқич-умумлаштирувчи босқич (2011й.) бўлиб, тажриба-синов ишлари ниҳоясига етказилган даврларда амалга оширилди ва тажриба-синов ишлари асосида олинган натижалар таҳлил этилиб, уларга математик-статистик ишлов берилди ва умумлаштириб мультимедиа технологиясини татбиқ этиш бўйича маълум бир хулосага келинди.

Педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг статистик таҳлили. Танланган МТМларида 8 та тажриба-синов гуруҳи ва 8 та назорат гуруҳлари танлаб олинди. Тажриба гуруҳларида муаллиф таклиф этган методика (мультимедиа компьютерли таълим) бўйича, назорат гуруҳларида эса анъанавий (изоҳли-кўргазмали таълим) методика бўйича машғулот олиб борилди.

Тажриба–синов ишларида иштирок этиш учун юқорида қайд этилган МТМларининг мактабга тайёрлов гуруҳларидан жами 130 нафар тарбияланувчи танланди.

Тажрибадан олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиш математик статистика методининг Стъудент мезони орқали амалга оширилди. Бунда тажриба ва назорат гуруҳлари тарбияланувчилари олган баҳоларини ўрта арифметик қиймати, самарадорлик коэффициенти, вариация коэффициенти, дисперсия ва ўртача қийматларнинг ишончлилиқ оралиғи аниқланди.

Жами мавзулар бўйича олинган тажриба натижалари (баҳоларнинг ўртача арифметик қийматлари X_t^* , X_n^* ва машғулотларнинг самарадорлик коэффициентлари – η) 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал

Тажриба-синов ишларининг якуний натижалари

	Мавзулар	X_t^*	X_n^*	η
1.	Бош А ҳарфини ўрганиш	4,092308	3,676923	1,112971
2.	5 сонигача қўшиш ва айириш амалларини ўрганиш.	3,907692	3,4	1,149321
3.	Учбурчак, тўртбурчак, квадрат ва доира шакллари ўрганиш	3,907692	3,492308	1,118943
4.	Ижобий экологик таъсирларни ўрганиш	4,2	3,6	1,166667
5.	Шаклларни устма-уст қўйиш компьютерли таълимий ўйинларни ўтказиш.	4,015385	3,6	1,115385
	Жами мавзулар бўйича ўртача қийматлар	4,024615	3,553846	1,132468

Педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси 2-расмда келтирилган.

Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати



2-расм. Педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси

Шундай қилиб, МТМларида мультимедиа технологиясини татбиқ этиш натижасида машғулотларнинг ўртача самарадорлик коэффиценти $\eta=1.13$ ни ташкил этди. Бу эса, илмий-тадқиқот ишида ишлаб чиқилган мультимедиа технологиясига асосланган методиканинг самарали эканлигини ва тадқиқотнинг илмий фарази тўғри қўйилганлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

1. МТМларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари таълим-тарбия жараёнига мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик жиҳатлари асосланди. Мавзуга тегишли бўлган мультимедиа технологияси тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинди ва унинг матн, аудио, видео, анимация самараси, компакт дискларнинг яратилиши ва бошқа ташкил этувчилари, шунингдек, мультимедиа атамаси, тушунчаси, мазмуни, технологик жараёни ҳамда унинг шаклланиши аналогия методидан фойдаланиб асослаб берилди.

2. Таълим-тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланишда электрон дарсликлар, қўлланмалар ва методик ишланмалар, тақдиротлардан фойдаланиш унумли натижа беради. Шулар қаторида, Интернет ашёларидан ва масофали таълимдан ҳам МТМларининг таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

3. Мультимедиа воситалари психологик жиҳатдан болаларнинг фаоллашиши, диққатининг барқарорлашиши, бола миёси иккала ярим шарининг бир вақтда ишлаши, ўрганиладиган материалга қизиқишлари ва иштиёқининг ортиши каби жиҳатларини ташкил этади. Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланишнинг назарий масалалари ва педагогик-психологик жиҳатлари янгича технологик ёндашувда асослаб берилди.

4. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик асослари ишлаб чиқилди. МТМлари учун кўплаб мультимедиа воситалари ишлаб чиқилган, аммо улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, мультимедиа технологияси асосида машғулотларни ўтказиш методикаси яратилди, тарбияланувчиларнинг билимини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди. Мультимедиа технологияси асосида ташкил этилган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ёритиб берилди ва амалга оширилди.

5. Тарбияланувчиларнинг ёшини ҳисобга олиб, машғулот давомида янги ўрганиладиган материалларни компьютерда бевосита диалог методи асосида олиб бориш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

6. Анъанавий методга асосланган машғулотларда фойдаланиладиган дидактик воситалар: плакатлар, чизмалар ва ишланмалар статик характерга эга, мультимедиа воситалари эса динамик характерга эга бўлиб, таълимда ундан фойдаланиш яхши самара беради. МТМларида компьютерли машғулотлар учун дастурли ва ролли дидактик мультимедиа воситаларидан фойдаланиш методлари ёритиб берилди ва 20 дан ортиқ мультимедиа воситалари тайёрланди.

7. Таклиф этилган методика ва илмий ишнинг фарази натижаларини аниқлаш мақсадида учта минтақадаги МТМларида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба-синов ишларида синаб кўрилган ва МТМларининг таълим-тарбия жараёнида жорий этилган методикани қўлланганда мультимедиа машғулотнинг самарадорлиги анъанавий машғулотга нисбатан ўртача 1.13 марта ошганлигини кўрсатди.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланган ҳолда қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. МТМ тарбияланувчиларида бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш мақсадида шахсга йўналтирилган таълим-технологиялари, ахборот ва мультимедиа технологиясидан кенгрок фойдаланишга эришиш.

2. МТМ тарбиячи (педагог)лари иш фаолиятида режалаштирилган мавзулар бўйича компьютерли машғулотлар ўтказишда илмий-тадқиқот ишида ишлаб чиқилган методикадан ва “Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти” ўқув-услубий қўлланмасидан фойдаланишни йўлга қўйиш.

3. МТМ болаларининг ёшига ва таълим дастурига мослигини эътиборга олган ҳолда МТМларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари машғулот режасига “Информатика фанидан

элементар тасаввурларни бериш” йўналишини киритиш ва тарбияланувчиларнинг бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш таклиф этилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Бегматова Н., Хайриддинов Ш. Мультимедиа технологияси ва алгоритмлар асосида ўқитиш моделлари // Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2007. - № 6. – Б. 82-86.
2. Бегматова Н.Х., Муродуллаев Б.Н., Панжиев М.А. Информатика ва ахборот технологиялари. Услубий қўлланма. – Қарши, 2008. - 119 б.
3. Бегматова Н.Х. Боғча болаларининг билимини баҳолашда мультимедиа технологиясидан фойдаланиш // Қарши ДУ ахборотномаси. – Қарши, 2009. - № 2. – Б. 63-66.
4. Бегматова Н.Х. Мактабгача таълимдаги айрим муаммолар ва ечимлар. Бухоро давлат университетининг илмий ахбороти – Бухоро, 2009. - № 3. – Б. 83-85.
5. Абдуқодирова Ф., Бегматова Н. МТМда масофали ўқитиш – таълим-тарбияга янгича ёндашув // Мактабгача таълим. – Тошкент, 2009. - № 6. – Б. 10-13.
6. Абдуқодирова Ф.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим ёшида компьютер ўйинларидан фойдаланиш муаммолари // Амалий математика ва информатика технологияларнинг долзарб муаммолари – Ал-Хоразмий 2009. Халқаро конференция тўплами. - № 2 – Тошкент, 2009. – Б. 213-215.
7. Бегматова Н.Х. Боғча болаларига ҳарфларни таништиришда мультимедиа технологияси ва воситасидан фойдаланиш методикаси // Амалий математика ва информатика технологияларнинг долзарб муаммолари – Ал-Хоразмий 2009. Халқаро конференция тўплами. - № 2 – Тошкент, 2009. – Б. 221-223.
8. Бегматова Н. Мактаб таълимига компьютер саводи билан... // Мактабгача таълим. – Тошкент, 2009. - № 10. – Б. 11-12.
9. Бегматова Н.Х. Компьютернинг зарарли таъсирлари // Қарши давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2009. – Б. 47-50.
10. Бегматова Н.Х., Каримов М. Компьютерларнинг инсон организмга салбий таъсирлари // Қарши давлат университети талабаларининг илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2009. – Б. 63-65.
11. Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида масофали таълимдан фойдаланиш имкониятлари // “Таълим тизимида ахборот технологияларини татбиқ этишнинг замонавий муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Гулистон, 2009. – Б. 46-47.
12. Бегматова Н.Х. Мультимедиа: атама, таъриф, мазмун ва технология // Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2010. - № 2. – Б. 39-45.
13. Бегматова Н. Боғча болаларида мультимедиа технологияси тушунчаларини шакллантириш // Халқ таълими. – Тошкент, 2010. - № 2. – Б. 76-81.
14. Бегматова Н. МТМ тарбияланувчиларининг элементар математик билимларини мультимедиа асосида шакллантириш // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 96-102.
15. Бегматова Н., Абдуқодирова Ф. Роль и место использования мультимедиа в детских образовательных учреждениях // А.Ясауи атындағы Халықаралық қазақ-түрік университетінің хабаршысы. – Түркістан қаласы, 2010. - № 1. – С. 364-368.
16. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш: муаммолар ва ечимлар // Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 15-17.

17. Бегматова Н.Х., Абдукодилова Ф. Мактабгача таълим муассасаларида компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш // Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 52-54.

18. Бегматова Н.Х. Мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва тамойиллари // Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 113-116.

19. Бегматова Н., Шухратова Ф. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш методикаси // Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 177- 179.

20. Бегматова Н.Х. Мактабгача таълимни модернизациялаш давр талаби // “Модернизация системы образования в глобальном образовательном пространстве” I - Дистанционная Международная научно-практическая конференция. 22-25 декабря. 2010 г. – Туркестан-Москва-Новокузнецк-Ташкент. – Б. 106-109.

21. Бегматова Н. МТМларда компьютерли таълим бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкиллаштириш // XXI аср бошларида психологик хизматнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференция материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 134-136.

22. Бегматова Н.Х. Мультимедиавий компьютерли таълим жараёнини ташкил этиш алгоритми // Информатика ва энергетика муаммолари. – Тошкент, 2011. - №1. – Б. 85-89.

23. Бегматова Н., Мирзаева М. Мактабгача таълим муассасаларида экологик таълим-тарбия беришда мультимедиа технологиясидан фойдаланиш // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2011. - №1. – Б. 70-75.

24. Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа компютер технологиясидан фойдаланишнинг самараси // Ўзлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий муаммолари. Республика илмий конференция материаллари. – Самарканд, 2011. – Б. 213-215.

25. Абдукодилов А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти. Ўқув - услубий қўлланма. - Қарши, “Насаф”, 2011. - 256 б.

26. Икромов Х.З., Бегматова Н.Х., Эшбоев Э.А. Ахборот технологияларидан фойдаланишни ўрганиш. – Тошкент:Фан ва технология, 2011.- 119 б.

27. Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях // Технологии и методики в образовании. – Воронеж, 2011. - № 3.- С. 3-6.

28. Бегматова Н.Х. Диалоговый метод обучения с применением компьютера в детских дошкольных учреждениях // Объединенный научный журнал. – Москва, 2011. - № 11-12, - С. 18-22.

29. Бегматова Н.Х. “Интерфаол ўйинлар (мактабгача ёшдаги болалар учун)” ЭҲМ учун дастур // Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги. Гувоҳнома № DGU 02386. 20.12.2011й.

30. Бегматова Н. МТМларда компьютерли машғулотлар ўтказишда диалог методидан фойдаланиш // Бошланғич таълимда инновацион технологияларни қўллаш истикболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2012. – Б. 49-50.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Бегматова Нодира Хакимовнанинг 13.00.02 – Аниқ фанларни ўқитиш методикаси (информатика) ихтисослиги бўйича «Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: мультимедиа технологияси, Интернет, компьютерли таълим, таълим воситалари, дастурий восита, дидактик ўйин, компьютерли ўйин, компьютер саводхонлиги, диалог, релаксация, методика.

Тадқиқот объектлари: мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиб таълим-тарбияни амалга ошириш жараёни.

Ишнинг мақсади: мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асосларини яратиш, уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этган ҳолда самарали машғулотлар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: таҳлил, диалог, аналогия, педагогик кузатиш, педагогик эксперимент, тест синовлари, умумлаштириш, математик статистика, анкета, савол-жавоб.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: МТМларида таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари асослаб берилди; мактабга тайёрлов гуруҳлари машғулотларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг методик таъминоти яратилди; компьютерли таълимий ўйинлар ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди ва тарбияланувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мезони ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияси татбиқ этилиб, машғулотлар ўтказиш вақтини тежаш ҳисобига тарбияланувчиларга кўпроқ таълим материали ўргатилади ва уларнинг билимлари чуқурлаштирилади. Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг компьютер саводхонлиги шакллантирилади, тайёрланган мультимедиа воситаларидан фойдаланилганда уларга харфларни ўргатиш, элементар математик ва экологик таълим бериш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: яратилган мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган методика МТМларининг таълим-тарбия жараёнига муваффақиятли равишда татбиқ этилмоқда. Мазкур методика асосида ўтказилган машғулотларнинг ўртача самарадорлик коэффициенти 1.13 га ортади.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: мактабгача таълим муассасалари.

Р Е З Ю М Е

диссертации Бегматовой Нодиры Хакимовны на тему: «Научно-методические основы использования мультимедийной технологии в дошкольных образовательных учреждениях» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.02 – Методика обучения точным наукам (информатика)

Ключевые слова: мультимедийная технология, Интернет, компьютерное обучение, средства обучения, программное средство, дидактическая игра, компьютерная игра, компьютерная грамотность, диалог, релаксация, методика.

Объекты исследования: процесс использования мультимедийной технологии в образовательно-воспитательном процессе подготовительных групп дошкольных образовательных учреждений.

Цель работы: разработка научно-методических основ использования мультимедийной технологии и методики проведения эффективных занятий на основе применения в дошкольных образовательных учреждениях.

Методы исследования: анализ, диалог, аналогия, педагогическое наблюдение, педагогический эксперимент, тестирование, обобщение, математическая статистика, анкетирование, вопросы-ответы.

Полученные результаты и их новизна: изучены психолого-педагогические аспекты использования мультимедийной технологии в осуществлении образовательно-воспитательного процесса в ДОУ; обосновано методическое обеспечение использования мультимедийной технологии на занятиях подготовительных групп; разработана методика проведения компьютерных образовательных игр и выработан критерий оценки знаний дошкольников.

Практическая значимость: при проведении мультимедийных занятий в ДОУ за счёт экономии времени, отведенного для их проведения, увеличивается объём усваиваемого учебного материала и достигается прочность полученных знаний. У детей подготовительных групп при использовании разработанных мультимедийных средств формируется грамотность, появляется возможность обучать дошкольников буквам, развиваются элементарные математические и экологические знания.

Степень внедрения и экономическая эффективность: созданная методика по использованию мультимедийных средств успешно внедряется в учебно-воспитательный процесс ДОУ. При применении предложенной методики коэффициент эффективности занятий повышается в 1.13 раза.

Область применения: дошкольные образовательные учреждения.

RESUME

Thesis of Begmatova Nodira Hakimovna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogy on specialty 13.00.02 – Methods of teaching exact sciences (informatics), subject: “Scientific and methodological bases of using multimedia technologies in pre-school educational institutions”.

Key words: multimedia technology, Internet, computer training, means of training, programmed aids, didactic games, educational computer game, computer literacy, dialogue, relaxation, methodology.

Subjects of research: the process of using multimedia technologies, in training children of preparatory groups of pre-school institutions.

Purpose of work: to work out the scientific and methodological bases of using multimedia technologies and methods of effective classes on the base of application of the proposed technology conducting in the pre-school educational institutions.

Methods of research: analysis, dialogue, analogy, pedagogical observation, pedagogical experiment, tests, generalization, mathematical statistics, questionnaire, asking and answering questions.

The results obtained and their novelty: the psychological and pedagogical aspects of using multimedia technologies in the educational process of pre-school institutions were investigated; methodological supply of using multimedia technology in the preparatory groups was set up; methods of playing educational computer games were worked out and criterion of assessing under school age children’s knowledge was elaborated.

Practical value: while multimedia training owing to saving time allotted to conducting classes the amount of teaching material was increased and children acquire lasting knowledge. The children gain literacy, with the help of multimedia aids worked out and used in practice it became possible to write letters, to acquire mathematic and ecological rudiments.

Degree of embed and economic effectivity: elaborated and used multimedia technologies are being well applied to the educational process in the pre-school institutions. Application of suggested methodology increases effectivity of training 1.13 times.

Field of application: preparatory groups of pre-school institutions.